

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ВА ЎЗБЕКИСТОН: ЯНГИ ҲАМКОРЛИК ВА ЯНГИ ИМКОНИАТЛАР

Хайруллаев Икром Илёсжон ўғли
ikromxayrullayev08@gmail.com

Аннотация: Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш тобора сезиларли тенденция бўлиб келмоқда. Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари сифатидаги фаолиятининг илк кунларидан Марказий Осиё давлатлари билан амалий, ўзаро манфаатли ва яхши қўшнилик муносабатларини шакллантириш, минтақада хавфсизликни таъминлашни ташқи сиёсатнинг устувор йўналиши сифатида белгилаб бергани ёритиб берилган.

Калит сўзлар: Марказий Осиё (МО) давлатлари раҳбарларининг олтинчи Маслаҳат учрашуви, ташқи сиёсат, Евроосиё “юраги”, халқаро муносабатлар.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон ички сиёсатида кузатилаётган кенг қамровли ислохотлар, очиқлик ва янгиланишлар, мамлакатнинг ташқи сиёсатида ҳам яққол намоён бўлмоқда.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда Марказий Осиё давлатлари муносабатлари янги давр сифатида баҳолаш мумкин. Қисқа даврда давлатлараро алоқаларда муҳим ижобий натижаларга эришилди.

Маълумки, Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолиятининг асосий вазифаларидан бири – ўз худуди атрофида тинчлик, барқарорлик ва хавфсизлик муҳитини шакллантириш ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, Президент Шавкат Мирзиёев қўшниларимиз – Марказий Осиё давлатлари билан дўстона, яқин қўшничилик ва ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашни асосий устувор ташқи сиёсий йўналиш сифатида белгилаб берди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари сифатидаги фаолиятининг илк кунларидан Марказий Осиё давлатлари билан амалий, ўзаро манфаатли ва яхши қўшнилик муносабатларини шакллантириш, минтақада хавфсизликни таъминлашни ташқи сиёсатнинг устувор йўналиши сифатида белгилаб берган эди.

Бугунги кунда Марказий Осиё минтақаси замонавий дунёнинг муҳим геосиёсий марказларидан бирига айланиб, жаҳон иқтисодий ривожланишини таъминлашда алоҳида ўрин тутмоқда. Бу эса минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, халқлар ўртасида дўстлик ва ўзаро ишончни мустаҳкамлашни талаб этади.

Марказий Осиё минтақаси халқларини минг йиллик қардошлик ва яхши кўшничилик ришталари боғлаб туради. Бизни тарих, дин, умумий маданият ва анъаналар бирлаштиради. Евроосиёнинг “юраги”да жойлашган минтақа Европа ва Яқин Шарқ, Жанубий ва Шарқий Осиёни боғловчи кўприк бўлиб, Россия ва Хитой сингари йирик давлатлар билан чегарадошдир.

Бизнинг фикримизча, Минтақа давлатлари айнан яхши кўшничилик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик тамойиллари асосида савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар соҳаларда, хавфсизлик ва барқарорлик масалаларида ўз салоҳиятини янада самарали амалга ошира олади.

Бугун Ўзбекистон тараққиётнинг умумий устувор йўналишларини англаган ҳолда, чегара, сувдан фойдаланиш, транспорт ва савдо сингари ўткир минтақавий масалаларни ечиш бўйича оқилона мурса йўлини изламоқда.

Шавкат Мирзиёев 2024 йил 9 август куни Марказий Осиё (МО) давлатлари раҳбарларининг олтинчи Маслаҳат учрашувида «Бугун биз умумминтақавий ўзига хосликни шакллантириш жараёни бошлангани ҳақида ишонч билан айтишимиз мумкин. Фурсатдан фойдаланиб, барча ҳамкасбларимга бирдамлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, мамлакатларимиз ташқи сиёсатининг устувор йўналиши сифатида минтақадаги кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш йўлидаги умумий саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаганликлари учун миннатдорлик билдираман», — деб таъкидлаган эдилар.

Шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистоннинг жаҳон давлатлари билан ўзаро ижтимоий-иқтисодий, маданий-гуманитар ҳамда савдо инвестицион ҳамкорлик алоқалари йилдан-йилга ривожланиб бормоқда. Қолаверса, мамлакат аҳолисининг бир гуруҳ вакилларининг ўзаро амалий ҳаракатлари фаоллашуви натижасида ташқи сиёсий алоқаларнинг кенгайиши, замонавий инновацион техника ва технологиялар ютуқларидан хабардорликни ошишига олиб келади. Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи давлатлари билан алоқалари, толерантлик ва миллатлараро тотувликни таъминлашга ҳам хизмат қилиб халқ дипломатиясининг ривожига муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу масалани ўрганишда 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини ишлаб чиқилиши муҳим амалий қадам бўлди.

Марказий Осиё давлатлари орасида Қозоғистон улуши Ўзбекистон товар айланмасининг энг катта ҳажмига эга. 2020 йилда Ўзбекистон билан минтақавий товар айланмасида Қозоғистоннинг улуши 61, Қирғизистонники 18,2, Туркменистон улуши 10,6, Тожикистон улуши эса 10,1 фоизни ташкил этди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ташқи савдо айланмасинг энг асосий кўрсаткичи экспорт ҳажми бўлиб, бунда экспорт қилинаётган товарларнинг чет

эл бозорларида кириб бориш имкониятларни ҳамда уларнинг рақобатбардошлик даражасини кўрсатади.

2016 йилдан 2019 йилгача Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатларига экспорти қарийб 2 баробардан ёки 1,3 миллиард доллардан 2,5 миллиард долларгача ва Ўзбекистон умумий экспортида Марказий Осиё давлатлари улуши 10,8 дан 14,5 фоизга ўсди. Шунингдек, экспорт ҳажми Қозоғистонга — 1,5, Қирғизистонга — 5,5, Тожикистонга — 2, Туркменистонга 1,8 барабар ошди.

Жаҳон ҳамжамиятида Марказий Осиёнинг аҳамияти ва роли ошиб бораётганини минтақа ва йирик давлатлар ўртасида кўп томонлама ҳамкорликнинг турли форматлари ташкил қилинаётганида ҳам кўришимиз мумкин.

Қайд этиш жоизки, Марказий Осиё давлатларининг барқарорлиги ва ҳамжиҳатлиги, биринчидан, давлатларининг барқарорлиги ва ҳамжиҳатлиги, биринчидан, халқ фаровонлигига, иккинчидан, минтақанинг инвестицион жозибдорлигини ошириб, хорижий шерик давлатлар ва инвесторлар билан ҳамкорлик учун кенг имкониятлар яратишга хизмат қилади. Ўзбекистон ва минтақа давлатлари ўртасида шаклланган ва янада мустақамланиб бораётган янги муҳит мазкур мақсадларга эришишга ҳамда ўзароро сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ҳамкорликни кучайтиришга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. “Замонавий дунёда Ўзбекистон ташқи сиёсатининг кун тартиби”, 27 август 2020 й., <https://uza.uz/uz/posts/zamonaviy-dunyeda-zbekiston-tash-i-siyosatining-kun-tartibi-27-08-2020>
2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги. “Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсати”, <https://mfa.uz/uz/pages/vneshnaya-politika>
3. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги. “Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг 2020 йилдаги фаолияти ҳақида ҳисобот”, 9 январь 2021 й., <https://mfa.uz/uz/press/news/2021/ozbekiston-respublikasi-tashqi-ishlar-vazirligining-2020-yildagi-faoliyati-haqida-hisobot---29088>
4. “Центральная Азия – приоритет внешней политики Узбекистана”, 15 июль 2020 й., <https://www.uzdaily.uz/ru/post/53513>
5. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси. “Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо айланмаси”, 22 январь 2021 й., https://stat.uz/images/uploads/docs/tashqi_savdo_uz_22012021.pdf